

Тақсимлашга таклиф этилаётган соф фойда, дивидендлар миқдорининг асосланиши, уларнинг жамият дивиденд сиёсатига мувофиқлигининг баҳоланиши, шунингдек, зарурат туғилганда соф фойданинг муайян қисмини жамиятни ривожлантириш эҳтиёжларига йўналтиришнинг ТУШУНТИРИЛИШИ ВА ИҚТИСОДИЙ АСОСЛАНИШИ

«QO’QONSPIRT» АЖда 2018 йил якуни бўйича 13 801 645 742 сўм соф фойда олинган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 4 марта «**2015-2019 йилларда ишлаб чиқаришни таркибий ўзгартириш, диферсификация ва модернизация қилинишини таъминлаш чора-тадбирлари Дастури тўғрисида»ги ПФ-4707 сонли фармони ижроси бўйича «QO’QONSPIRT» АЖда буғдой клейковинаси (глютен) ишлаб чиқаришни ташкил этиш лойихаси амалга оширилаётганлиги сабабли, бу жуда катта лойиха эканлиги, бунга банк кредитлари билан бир қаторда жамиятнинг ўз маблағлари ҳам сарфланганлигини инобатга олиб, жамиятда айланма маблағлар танқислигига йўл қўймаслик учун жамият ижро органи томонидан «QO’QONSPIRT» АЖда акциядорларининг навбатдаги йиллик 2018 йил якунларига бағишланган умумий йиғилишида жамиятнинг 2018 йил якуни бўйича олган соф фойдасини қўйидагича тақсимлаш таклиф қилинмоқда.**

«QO’QONSPIRT» АЖ нинг 2018 йил якуни бўйича олган 13 801 645 742 сўм соф фойдаси қўйидагича тақсимлаш:

- 90,89 % фоизи, яъни 12 545 436 960 сўм (бунда 11 918 165 112 сум капитализация учун ва 627 271 848 сум амалдаги қонунчиликка мувофиқ солик тўлови) қисми жамият устав фондини қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтиришга,
- 5,00 % фоизи, яъни 690 082 287.1 сўм қисми захира фондини тўлдиришга
- 4,11 % фоизи, яъни 566 126 494.9 сўм жамиятда ишловчи ишчи ходимлар ва кузатув кенгаши аъзоларига.

Юқоридаги тақсимотдан қўриниб турибдики, жамият томонидан 2018 йил соф фойдасини тақсимлашда дивиденд тўлаш назарда тутилмаяпти, бунинг ўрнига жамиятнинг устав фондини қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтириш режалаштирилмоқда.

Устав фондини қўшимча акциялар чиқариб капитализация қилинишида барча акциядорлар ўртасида хар бир акциядорга тегишли акциялар сонига мутаносиб равишда тақсимланиши лозим.

Жамиятнинг акциялари сони номинал қиймати 1 сўм бўлган 59 590 825 560 дона оддий акциялардан иборат бўлиб, Устав фонди 59 590 825 560 сўмни ташкил этади.

Устав фондини қўшимча акциялар чиқариш йўли билан кўпайтириш учун яна 11 918 165 112 дона акциялар қўшимча чиқарилиши лозим, бунга эса яна 12 545 436 960 сўм (бунда 11 918 165 112 сум капитализация учун ва 627 271 848 сум амалдаги қонунчиликка мувофиқ солик тўлови) маблағлар лозим. Жамиятнинг 2018 йил соф фойдасининг умумий миқдори қўшимча акцияларни чиқариш учун етарли миқдорда.

Шу сабабли «QO’QONSPIRT» АЖ 2018 йил соф фойдасини тақсимлашда 12 545 436 960 сўм қисми устав фондига капитализация қилинса, 5:1 нисбатда яъни хар 5 дона акцияга 1 (бир) дона акция қўшиб берилади натижада жамиятнинг устав фонди миқдори 71 508 990 672 сўмга етказилади.